MUSTAQILLIK MUBORAK BO'LSIN! 25 yil

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним,
жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 36 (1100) ● 2016-yil, 1-sentabr, payshanba

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбида абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиш учун бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшашиб, турли кўпорувчи ва ғаламис кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан – мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардик – ҳаёт-мамотимиз ҳал бўлаётган айни шундай дамларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш – бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажагига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳволимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда – эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин кимдандир кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда “ўзбек модели” деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл — машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини, оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожи учун мустаҳкам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала — замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳволимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор – ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажагимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажаги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқишга, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчиликни ҳайратда қолдирмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамиз – биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани – бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислоҳотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш, “Бизга тинчлик ва омонлик керак” деган эзгу даъватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймасликни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келганмиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчи ёшларимизни қизғин қутламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб ғурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**











## Буюкликка элтувчи йўллар

Бугун мамлакатимизда турли соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг маҳсулидир. Тинчлик туфайли биз ўтган йиллар давомида мунтазам равишда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб, энергетика, дон маҳсулотлари, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат саноати ва бошқа қатор стратегик соҳаларда тўлиқ мустақилликка эришдик. Жумладан, транспорт-коммуникация соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

2➢

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.*

2➢

## Келажакнинг муносиб ворислари вояга етмоқда

➢ ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ



**Мухаббат ШАРАПОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси**

Мамлакатимиз бўйлаб халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлол айёмини кенг нишонламоқда. Бу байрамни ҳар бир юртдошимиз алоҳида тайёргарлик билан кутиб олди. Таомилга кўра байрамларда кўпроқ муваффақиятлар, зафарлар ҳақида гапирилади. Халқимиз азалдан эртанги кун ишқи билан хайрли режалар тузиб яшашга ўрганган.

3➢



## ГЎЗАЛЛИК, КЎРКАМЛИК — фаровонлик тимсоли

5➢

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори бениҳоя юқоридир.

Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу анъаналарига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам барча йўналишларда мустаҳкамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

**Эҳтиром ила,**

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси – **Елизавета II**

Япония Императори – **Акихито**

Бельгияликлар Қироли – **Филипп**

Франция Республикаси Президенти – **Франсуа Олланд**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Қозоғистон Республикаси Президенти – **Нурсултон Назарбоев**

Молдова Республикаси Президенти – **Николае Тимофти**

Туркия Республикаси Президенти – **Режеп Таййип Эрдўғон**

Туркия Республикаси Бош вазири – **Бинали Йилдирим**

Чехия Республикаси Президенти – **Милош Земан**

Словакия Республикаси Президенти – **Андрей Киска**

Болгария Республикаси Президенти – **Росен Плевнелиев**

Малайзия Қироли – **Абдул Халим Муадзам Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси – **Маҳмуд Аббос**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти – **Абдул Ҳамид**

Исроил Давлати Президенти – **Реувен Ривлин**

Сингапур Республикаси Президенти – **Тони Тан Кенг Ям**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари,

Ички ишлар вазири – **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси – **Зигфрид Браке**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Рашид Алимов**

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси

Ижроия қўмитаси директори – **Евгений Сисоев**

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти – **Сирил Мюллер**

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти – **Ким Ин Сук**

Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти – **Ли Дук Хун**

"Самсунг Инжиниринг" президенти ва бош ижрочи директори – **Пак Чунг Хим**

"ЛУКОЙЛ" компанияси президенти – **Вагит Алекперов**

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгашининг раиси – **Ван Илинь**

"Поли Текноложиз" компанияси президенти – **Ван Линь**

"ZTE" корпорацияси президенти – **Чжао Сяньмин**

"Сумитомо Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Казуо Омори**

"Марубени Корпорейшн" Бошқаруви раиси – **Теруо Асада**

"Мицубиси Хитачи Пауэр Системс" Бошқаруви раиси – **Кожи Танака**

"Мицубиси Хэви Индастриз Лтд." президенти ва катта ижрочи директори – **Шунъичи Миянага**

"Фужицу Лимитед" президенти – **Тацуя Танака**

"Исузу Моторс Лимитед" Бошқаруви раиси ва ваколатли директори – **Сусуми Хосои**

"ИТОЧУ Корпорейшн" президенти – **Масахиро Окафудзи**

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори – **Абдулваҳоб ал-Бадир**

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили – **Петер Буриан**

Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси – **Ивета Григуле**

Инҳа университети президенти – доктор **Чой Сунжа**

Нагоя университети президенти – **Сеичи Мацуо**

Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти – **Йорг Рохолл**

Москва ва Бутун Россия Патриархи – **Кирилл**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари – **Викентий**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

# Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйилди

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август куни ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку тароватi ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз.

Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

– Ҳар гал Мустақиллик майдонига келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. – Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ватан келажаги учун масъуллик, Ватан равнақига муносиб улуш қўшишдек эзгу ният мужассам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни қўлга киритишга қодир.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришаётганимиз, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

**ЎзА**

# Буюкликка элтувчи йўллар

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Президентимиз раҳбарлигида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўтган қисқа давр ичида 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл қурилгани, 3 минг 800 километр темир йўл модернизация қилингани, салкам 1 минг 100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилгани мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконини яратди, яъни мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизими яратилди. Бу ниҳоятда муҳим, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Бир эсга олайлик. Собиқ тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни республикалар ҳудуди орқали ўтар, бу эса аҳоли учун қатор ноқулайликлар туғдирарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар тезроқ келишини орзу қиларди. Мустақилликнинг илк йилларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилгани самараси ўлароқ, дастлаб Қамчиқ довони орқали янги автомобиль йўли қурилган эди. Эндиликда Фарғона водийсига темир йўл орқали бориш орзуси ҳам рўёбга чиқди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли орқали йўловчи поезди Тошкентдан Андижонга илк қатновни амалга оширгани ҳам мамлакатимиз тарихида унутилмас воқеа сифатида муҳрланди.

Таъкидлаш жоизки, хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда темирйўлчиларимиз томонидан қисқа вақтда 123,1 километрлик Ангрен – Поп темир йўли ва унинг таркибида 19,2 километрлик Қамчиқ туннели қуриб битказилди. 2016 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида мазкур оламшумул лойиҳа – Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Туннел фойдаланишга топширилганидан сўнг ўтган 2 ой давомида у орқали поездларда юк ташиш амалга оширилган бўлса, жорий ҳафта авваллида халқимизнинг қутлуғ тўйига тўёна сифатида Тошкент – Андижон йўналишида илк йўловчи ташиш поезди қатнови амалга оширилди.

Мен ҳам ушбу тарихий воқеанинг бевосита иштирокчиси сифатида бениҳоя қувондим. Ҳукумат аъзолари, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, меҳнат фахрийлари, республикамиз жамоатчилиги вакиллари, таниқли адиблар ва санъат арбоблари, журналистлардан иборат йўловчи поезди Қамчиқ довонидаги туннелдан атиги 16 дақиқа ичида ўтишга муваффақ бўлди. Биз бу ерда туннелдан ташқари 285 сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрни ташкил этган 15 темир йўл кўприги ва 6 йўл ўтказгич, 4 станция, 4 разъезд, 2 вокзал барпо этилиб, фойдаланишга топширилганлигига гувоҳ бўлдик.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган, қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, узунлиги жиҳатидан ўн учинчи, МДҲ мамлакатлари орасида ягона бўлган Қамчиқ туннели ҳамда темир йўлнинг ниҳоятда қисқа муддатда – 32 ойда қуриб битказилгани кишини лол қолдиради. Бу шубҳасиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти нечоғлик юқори эканлигидан далолатдир. Мазкур йўл Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг бошқа ҳудудлари орқали боғлаш билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит салоҳиятини кескин оширади.

Энг муҳими, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ўн миллиондан зиёд аҳолиси учун жуда катта қулайликлар яратилади. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида инсон омили ётишини биз яхши биламиз. Ангрен, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келган илк йўловчи поездини водий аҳли катта хурсандчилик билан кутиб олди. Андижонда ушбу маросимга бағишланган тантанали тадбир ташкил қилинди.




Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда. Энг асосийси, бундай ишларнинг барчасини ўз кучимиз, ўз ақлу заковатимиз ва ўз салоҳиятимиз билан амалга оширмоқдамиз.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ дунё бозорига янги йўллар очиш, мамлакатимизни бошқа минтақалар билан боғлайдиган замонавий транспорт коммуникациялари барпо этиш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилган эди. Асосий эътибор янги темир йўллар қуриш, мамлакатимизнинг ягона ва яхлит темир йўл тизимини барпо этишга қаратилди. Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Кейинроқ "аср мўъжизаси" дея ном олган ноёб иншоот – Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Айниқса, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши эса чинакамига халқимиз учун катта воқеа бўлиб тарих зарварақларида муҳрланди.

Куни кеча Тошкент – Бухоро йўналишида дастлабки қатновини бошлаган "Afrosiyob" юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий электр поезди ҳам Ўзбекистоннинг дунёдаги энг тараққий этган давлатлар сафидан тобора муносиб ўрин топиб бораётганини яна бир бор исботлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар ходимлари, ОАВ вакиллари ва меҳнат фахрийлари, тармоқ қурилишида фаол иштирок этган темирйўлчилар ва ёшлардан иборат йўловчилар жам бўлишган замонавий поезд Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида юртдошларимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Айниқса, Самарқанд – Бухоро йўналишидаги темир йўлнинг автомобиль йўллари билан кесишиш жойларида, йўл четларида юртдошларимиз қўлларида гуллар, байроқлар ҳамда рамзий белгилар билан "Afrosiyob" юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий электр поездини олқишлашди. Поезд ва унинг йўловчилари Бухоро вокзалида вилоят фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди. Поезднинг фахрий пассажирларини кутиб олаётган юртдошларимиз ғурури ва ифтихори уларнинг юз-кўзларида акс этди. Поезддан тушаётганларнинг эса тилида шукроналик, юз-кўзида тарихий воқеликнинг шоҳиди бўлишдек ҳайрат ва қувонч акс этди.

Темирйўлчиларимизнинг самарали меҳнатлари туфайли белгиланган муддатдан тўрт ой олдин Тошкент – Бухоро тез юрар маршрутининг фойдаланишга топширилиши юртнинг энг улуғ тўйи – мустақиллик тантаналари олдидан халқимизга қилинган муносиб бир тухфа бўлди.

Эътироф этиш жоизки, бундан беш йил аввал, истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда Мароқанд – Қарши темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ва "Afrosiyob" поезди Қарши шаҳрига қатнай бошлади.

Эндиликда ушбу замонавий тез юрар поезднинг кўҳна ва боқий Бухоро сари йўлга қўйилиши натижасида йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги қарийб 600 километрлик масофани илгаригидек 8-10 соатда эмас, 3 соату 30 дақиқада ҳар томонлама қулайликларда, ҳордиқ чиқариб босиб ўтишади.

Албатта, мустақиллик – буюк, истиқлол – тотли неъмат! Энг муҳими, у халқимизни бирлаштирди, доимо ҳамжиҳат бўлишга, тараққиётнинг янгидан-янги довонларини биргаликда босиб ўтишга, Ватан тақдири билан боғлиқ ҳеч бир воқеликка бефарқ бўлмасликка ўргатди. Кексаю ёшнинг қалбида она-юртга садоқатни мустаҳкамлади.

Бугунги эришилган натижа, яъни Ўзбекистонда янги тезкор темир йўл тармоғининг очилиши ўзбек мутахассислари, инженер ва техник ходимларининг профессионал савияси қисқа вақтда нақадар ортганлигининг ҳам исботи бўлди. Ишонамизки, ушбу поезд халқимизнинг эзгу мақсадлар йўлида амалга ошираётган ишларига кўприк бўлиб, уларни ягона мақсад сари бирлаштиради. Бу ўз навбатида, барча ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилганлигини яна бир карра ёдга солади.

**Ёрмамат ХОЛИЁРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

# Келажакнинг муносиб ворислари вояга етмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани туфайли эндиликда нафақат шаҳарлар, балки қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб кетди. Аҳоли турар жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотлари замонавий лойиҳалар асосида кўркам, шинам, ўзбекона, миллий ҳаётимизга мос, энг муҳими, қулай қилиб тикланаётир. Буни биргина Қарши шаҳри мисолида оладиган бўлсак, бу гўшага бугун қадам ранжида қилган юртдошимиз буюк ўзгаришларни кўриб лол қолиши тайин. Умуман, истиқлол туфайли барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Мамлакатимизда "Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган эзгу ғоя билан амалга оширилаётган ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Буни биргина ўзим фаолият олиб бораётган халқ таълими соҳасида қилинаётган буюк ўзгаришлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бундан 25 йил аввал вилоятимиздаги ҳар 100 мактабнинг 98 тасида информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинети йўқ эди. Бугунги кунга келиб эса вилоятдаги 1121 мактабнинг барчаси замонавий компьютер синфига, етук мутахассисларга, қулай шарт-шароитга эга. Баъзи мактабларда иккитадан компьютер синфлари бор. Мен ўзим фаолият олиб бораётган таълим масканида ҳам синфхоналар замонавий ўқув қуроллари билан тўлиқ жиҳозланган. Ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, изланиши ва ўқувчиларнинг керакли ўқув жиҳозларидан фойдаланишлари учун ахборот-ресурс марказида барча қулайликлар муҳайё этилган. Албатта, гап рақамларда эмас, бироқ ана шу оддий рақамлар, мисоллар истиқлол йилларида таълим тизимининг нечоғлик юксалганидан, ютуқ ва марраларимиз бежиз эмаслигидан дарак беради.

1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар рўёбга чиқарилди. Иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг, навқирон авлодни маънавий етук ҳамда соғлом қилиб вояга етказишнинг яхлит тизими шакллантирилди. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда таълим тизими устувор соҳалардан бири сифатида белгиланди. Шунинг учун ҳам соҳани молиялаштиришга йил сайин катта маблағ ажратилмоқда.

Мен бир неча йилдирки, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзосиман. Партиямиз мамлакатда таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг доимий тарафдори бўлиб келаяпти. Бошқа партиялардан фарқли ўлароқ, бизнинг сиёсий куч ёшларнинг инновацион тафаккурини ривожлантириш, уларни шу руҳда фикрлайдиган тарзда тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Шунингдек, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам бу масалага ўзига хос ёндашув мавжуд. Бу ғояни мен партия ташкилотлари томонидан байрам арафасида шаҳардаги ўндан ортиқ мактаб ва ташкилотлар, куни кеча эса тиббиёт коллежи ҳамда "Кунчиқар" маҳалласида ўтказилган тадбирларда кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот қилдим. Айниқса, партиямизнинг, энг аввало, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиши, яхши мутахассис бўлишини қўллаб-қувватлаётгани ҳақидаги ғояни илгари сураётгани кўпчиликни хурсанд қилмоқда ва тарафдорларимиз сафини кенгайтирмоқда.

Энди ўз касбий фаолиятим ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Педагогик фаолиятимни 1971 йилдан, яъни Самарқанд давлат университетини тамомлаганимдан буён давом эттириб келаяпман. Касбим тақозоси билан ҳафтанинг дам олиш кунидан ташқари ҳар куни мактабдаман. Иш жараёнимда беғубор ўсаётган ва таълим-тарбия олаётган ўқувчилар билан мулоқотда бўламан. Бу ёшларнинг нақадар илмга чанқоқлиги ва зукко бўлиб вояга етаётганлигига қараб қувонасан киши. Ёшлик чоғида ўқувчилар тошқин дарёга ўхшайди. Уни ўз вақтида жиловлаб, тўғри йўлга солиш эса, биз устозларнинг вазифамиздир.

Дарҳақиқат, болалар ёшлигида парвоз қилаётган қуш мисоли. Уларнинг бир қаноти мактаб бўлса, бир қаноти оила ва маҳалла ҳисобланади. Агар шу қанотлардан бири ишламаса ёки қарама-қарши ҳаракат қилса, қушнинг парвози завол топади. Фарзандларимизнинг жамиятда улғайишида оиланинг ҳам, маҳалланинг ҳам, мактабнинг ҳам ўрни беқиёс.

Мен қарийб 40 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, ҳақиқий устоз, аввал ўз касбини, болаларни севиши керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам боланинг қалбида нафрат эмас, балки муҳаббат устувор бўлмоғи зарур. Ўқитувчи ҳар қандай ўқувчининг қалбига йўл топиши, доимо уларнинг ўй-фикрлари ва ташвишлари билан яшаши лозим.

Бугунги дориламон кунларда мен каби педагоглар таълим-тарбиясини олган фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етаётгани ҳамда жаҳон майдонида буюк аждодларнинг муносиб ворислари эканини яққол намоён этаётгани сир эмас. Зеро, биз бугун келажакнинг буюк ворисларини, эртанги кунимизнинг бунёдкорларини тарбиялаб, вояга етказмоқдамиз. Бунда, албатта, ўқитувчи ва мураббийларнинг катта ҳиссаси бор. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида ҳам жонкуяр, фидойи, заҳматкаш ҳамкасбларим меҳнати ардоқланган эди: "Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак арзийди".

Дарҳақиқат, Ўзбекистон инсон меҳнати сийланган, қадр топган жаннатмонанд юрт. Мен нимагаки эришаётган бўлсам, барчаси истиқлол шарофати, мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат натижаси, деб биламан. Хусусан, ҳозиргача баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасидаги самарали меҳнатларим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. 1992 йил Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи, 1996 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени, 2007 йили эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан мукофотландим. Энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг 25 йиллиги муносабати билан эса Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги хизматларим, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнатим ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган камтарона ҳиссам эвазига Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим.

Албатта, бу мукофот менга бундан кейин янада самарали ишлаб, комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишимда катта куч-қувват бағишлайди. Бугунги истиқлол айёми кунларида юртдошларимни, қолаверса, барча партиядошларимни улуғ байрам билан чин дилдан муборакбод этаман. Халқимиз омон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Энг улуғ, энг азиз айём арафасида дилда фахр-ифтихор билан айтиладиган гаплар кўп. Мустақиллик чиндан-да бизни буюк юртнинг бахтли фарзандлари сифатида дунёга танитди ва янги-янги ижодий парвозлар учун беқиёс имкониятлар эшигини очди.

Мен ҳар сафар истиқлолнинг юртдошларимиз тақдиридаги улкан аҳамияти ҳақида гапирганда битта хулосани алоҳида таъкидлашни ўринли, деб биламан. Мустақиллик ерга, мулкка ва эркин меҳнатга эгалик ҳуқуқини бериши билан бирга ҳар биримизда жамият олдидаги фуқаролик бурчимизни шакллантиришга, ижтимоий ҳаётда дахлдорлик билан фаол иштирок этишга имкон яратди.



Тозагул ХОЛИҚОВА, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати

# Обод юртнинг кўркам манзиллари

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати сифатида ҳудудга тааллуқли ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама этиш, ҳокимият вакиллик органининг муҳим қарорларини кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилиш жараёнида бунга яна бир карра амин бўлаяпман. Сессия қарорлари сиёсий партияларнинг ўз электорати эҳтиёжларидан келиб чиққан таклифлари асосида қабул қилиниб, ижро назорати ва тегишли бошқарув идораларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга эришилмоқда. Натижада бошқарувда демократик тамойиллар кучайиб, ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган ҳар бир эзгу ҳаракат турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Самарқанд вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қурилиш-ободончиликлар, халқ таълими, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги беқиёс ўзгаришлар ҳокимият, бошқарув идоралари, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг ягона мақсад йўлидаги азму шижоати, ҳамкорлиги самарасидир.

Эътибор беринг, мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида вилоят ҳокимлиги Самарқанд шаҳри ва туманларда 25 тадан кўчани таъмирлаш, асфальтлаштириш ташаббуси билан чиқди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши идоралари бу ташаббусни ўз иштироклари билан қўллаб-қувватлашлари янада зўр аҳамият касб этди. Натижада маҳалла марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб, коллежларга олиб борадиган асосий кўчалар бугунгача тўлиқ тартибга келтирилди. Пиёдалар ва транспорт воситаларнинг хавфсиз қатнаши таъминланди. Эзгу иш маҳаллаларда яшаётган фуқароларда ҳам ташаббускорлик руҳини кучайтириб, ўнлаб маҳаллаларда одамлар ободончилик ишларига киришиб, сув тармоқларини созладилар, гулзорлар барпо этдилар. Бу менинг маҳаллам, менинг Ватаним, деган туйғу одамларда жамиятга дахлдорлик ҳиссини уйғотгани энг катта ютуғимиз эмасми?!

Шу боис Самарқанд кун сайин кўркамлашиб, ободонлашиб бормоқда. Хусусан, шу кунларда Самарқанд шаҳрида юздан зиёд лойиҳа асосида замонавий қурилишлар амалга оширилмоқда. Ўндан ортиқ мусиқа ва санъат коллежлари, муҳташам концерт заллари, спорт ва соғломлаштириш иншоотлари, истироҳат боғлари қадимий ва ҳамиша навқирон щаҳримизнинг зийнати бўлди. Самарқандни мовий фавворалар шаҳрига қиёслашади. Чунки бу муаззам шаҳарнинг ҳар бурчагида катта-кичик фаввораралар жаннатмонанд юртнинг ҳавосини янада мўътадиллаштириб турибди.

Истиқлол шарофати ҳақида гапирганда Самарқандда саноатни диверсификациялаш, модернизациялаш туфайли юздан ортиқ корхона экспортга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар қаторида "МАН" автомобилсозлик заводи, "Самантепгилам", "Агромир", "Дака текс", "Зарафшон", "8 Март" қўшма корхоналари экспорт имкониятларини йилдан-йилга ошириб, вилоят иқтисодиётининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқдалар.

Ютуқларимиз кўп, имкониятларимиз бисёр. Ҳар сафар улар ҳақида гапирганимизда биз бундан-да бахтли, фаровон яшашга, комил фарзандлар улғайтиришга, миллат обрўйини дунёга танитишга ҳақли ва қодир эканимизни яққол ҳис қиламиз. Яқиндагина якунланган XXXI ёзги Олимпиада мусобақаларида юртдошларимиз қўлга киритган олтин, кумуш ва бронза медаллари шодаси мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг ёрқин самарасидир.

Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътибори, нуфузи юксалиб бормоқда. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва шукрона ҳаёт мевасидир.

# Истиқлол зиёсидан чароғон

Янгиланишлар даврида яшаётган авлодмиз. Истиқлол берган имкониятлар халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик салоҳиятини юзага чиқарди. Буни ҳар бир ҳудуд мисолида яққол кўриш мумкин.



Дилноза МЎМИНОВА, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати

Шу ўринда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги юксалишларга назар ташлайлик. Давлатимиз раҳбарининг "2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижросини амалга ошириш мақсадида, жорий йилда 610 та лойиҳа бўйича 1,5 триллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Шунга мувофиқ, Термиз шаҳрида "Хотира майдони" яқиндагина қурилиб, фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳрининг кичик ҳалқа йўли бунёд этилаяпти. Шунингдек, "Амударё" спорт-соғломлаштириш маркази, санъат саройи қурилиши жадал олиб борилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида электр таъминоти бўйича 26 та, газ таъминоти учун 30 объектда, ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш учун 83 та объектда ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Албатта, буларнинг бари инсон қадри улуғланган юртимизда фуқароларга кенг имкониятлар яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Шуни айтиш жоизки, собиқ шўро даврида Сурхон воҳасида икки-учта саноат корхонаси бўлган бўлса, мустақиллик шарофати билан ўтган давр мобайнида ўнлаб саноат корхоналари бунёд этилди. Вилоятда саноат салоҳиятини 2016-2018 йилларда ривожлантириш дастурига биноан 524,6 миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган 335 лойиҳа амалга оширилиши эвазига 14 минг 256 та янги иш ўринлари яратилади. Бу борада бугунгача 55,6 миллион доллар маблағ ўзлаштирилиб, 183 та лойиҳа амалга оширилди.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, вилоятимиз бўйича биргина жорий йилнинг ўзида 1048 та намунавий турар жой қурилиши режалаштирилган ва бугунги кунда бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Истиқлол нафақат одамларнинг турмуш тарзига, балки уларнинг онгу шуури, қарашларига ҳам ўзгаришлар олиб келди. Касбим ўқитувчи бўлгани сабабли шуни ишонч билан айта оламанки, мактабларда сўнгги беш йилда юз кўрсатган ўзгаришларни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи Ватанимиз қандай дадил қадамлар билан одимлаётганини кўрсатиб турибди. Замонавий типда қурилган муҳташам мактаб бинолари, кенг ва ёруғ синфхоналардаги ўқув жиҳозлари, шунга монанд ёш авлоднинг таълим олишга бўлган иштиёқи, буларнинг бари истиқлол берган имкониятлар самарасидир. Хуллас, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида намоён бўлаётган юксалишларни кўриб, кўнглимиз тубида ким эдигу ким бўлдик, деган ҳақли саволга тараққиётимизни ифодаловчи асосли жавоблар топаверамиз. Бошимизни баланд кўтариб, истиқлол туфайли биз буюк аждодларимизга муносиб бўлиб, довонлар ошаётган халқ эканлигимизни баралла айта оламиз.

# Бунёдкорликка йўғрилган йиллар

Жонажон Ўзбекистонимиз ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимизда барқарор тараққиётни, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш мақсадида, миллатимизнинг узоқ келажагини кўзлаб, халқимиз билан бамаслаҳат, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, юртимизнинг барча ҳудудларида йирик саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди.



Нурлибой ҚАЙПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси

Қорақалпоғистоннинг Устюрт кенгликларида, саҳро бағрида халқаро ҳамкорларимиз билан ҳамжиҳатликда қазиб олинаётган ер ости бойликлари, ушбу ҳудудларда барпо этилаётган саноат корхоналари, нафақат Қорақалпоғистон, балки мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида катта аҳамият касб этмоқда.

Буни жорий йилда Сурғил кони негизида ишга туширилган Устюрт газ-кимё мажмуаси мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Қиймати қарийб 4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган мажмуа ишга туширилиши билан йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобига 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ишлаб чиқариш имкониятининг вужудга келиши мамлакатимиз иқтисодий қудратининг янада юксалишидан дарак беради.

Давлатимизда йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектларига қаратилган юксак эътибор ва яратилган имконият, имтиёзлар туфайли мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик таъминланганлиги дунё эътирофига сазовор бўлаётгани бежиз эмас.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида халқлар ўртасида тинчлик ва тотувликни, динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган юксак эътибор туфайли ҳам халқаро майдонда Ўзбекистон тинчликсевар мамлакат сифатида ўз нуфузига эга бўлди.

Бундай беқиёс ютуқларга эришиш осонлик билан кечмаганлигини халқимиз яхши англайди. Шу боис ҳар бир юртдошимиз мустақилликнинг қадр-қимматини теран ҳис этиб, бу буюк неъматни асраб-авайлашга қатъий ҳаракат қилиб, озод ва обод диёримизда шукроналик туйғулари билан яшамоқда.

Мустақиллик йилларида халқимиз азал-азалдан ўзлигимизга хос бўлган, ўзаро меҳр-оқибат, бирдамлик ва бунёдкорликнинг ёрқин намунасини кўрсатиб, ўзининг порлоқ келажагига замин яратди.

Айни кунларда барча юртдошларимиз мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик қутлуғ тўйини "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида муносиб тухфалар билан кутиб олмоқда.

Энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида Нукус темир йўл вокзалида реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилиши бутун қорақалпоғистонликлар учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

Замонавий меъморий андозалар асосида қайта бунёд этилган вокзал биносида бир вақтнинг ўзида 400 йўловчига, бир кеча-кундузда эса 1 минг 800 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

VIP кутиш заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, меҳмонхона типидаги дам олиш хоналари, савдо шохобчалари йўловчилар ва меҳмонлар хизматига шай.

Вокзал ҳудудида кенг майдон барпо этилиб, турли хил гулларга бурканган хиёбон ўртасида қурилган замонавий фаввора йўловчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун имкон яратиш билан қаторда, бино кўркига янада кўрк қўшмоқда.

Ҳа, юртимизнинг ҳар бир ҳудуди, овул ва маҳаллаларида йўл-транспорт, маданий-маиший ва бошқа турли соҳа объектларининг фойдаланишга топширилаётгани фуқароларимиз қалбида жўшқинлик ва ободлик, янада буюк ишларга куч-ғайрат, эртанги кунга бўлган юксак ишонч туйғуларини кучайтирмоқда.

# “Иншолар танлови” ғолиблари тақдирланди

**ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА**









**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан халқимиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини юқори савияда ўтказиш ва нишонлашга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, партия Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан жорий йилда мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Иншолар танлови” эълон қилинган эди. Ушбу танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш ҳамда энг сара иншолар жамланган “Истиқлол шукуҳи” номли тўплам тақдимотига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ташкил этилган мазкур тадбирда “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари, “Иншолар танлови” ғолиблари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона фаолияти ва унда сақланаётган тарихий-маънавий меросимиз, китобхонлар учун яратилган шароитлар билан тадбирга йиғилганларни яқиндан таништириш мақсадида экскурция ташкил қилинди. Ушбу саёҳат, айниқса, республикамиз ҳудудларидан келган танлов иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

Байрамона руҳда бошланган “Истиқлол шукуҳи” тўпламининг тақдимотида сўз олганлар йиғилганларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан қутлаб, ўзларининг самимий дил сўзларини билдирдилар.

Эътироф этилганидек, мамлакатимиз таянчи, халқимиз бахту саодати бўлган ёшларимизнинг соғлом ва баркамол, буюк аждодларимизга муносиб бўлиб вояга етиши, илм-фан сирларини, замонавий билимларни чуқур эгаллаши учун барча шароитлар яратилган. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ёшларга алоҳида эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланиб, бу борада ҳуқуқий асослар яратишга киришилди.

Хусусан, 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ўтган йилларда бу борадаги миллий қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, қонун ҳужжатлари давр талабига мос равишда такомиллашиб бормоқда. Зеро, бундай юксак эътибор замирида миллат давомийлигини асраб-авайлаш, юрт равнақи, ёрқин истиқболи учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсади мужассам.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам келажагимиз эгаларининг ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор лойиҳалар ва чора-тадбирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ватан келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш партия ташкилотлари ва фаолларининг муҳим вазифаларидан саналади. Партиянинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, “Адолат” СДП мамлакатимиз келажаги соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган ёшлар қўлида, деб ҳисоблайди. Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлиги энг муҳим вазифалардан саналади.

Бугунги кунда партиянинг ёшлар сиёсатини, дастурий вазифаларини рўёбга чиқаришда “Ватан келажаги ёшлар қўлида”, “Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик”, “Яхши касб — етук мутахассис — муносиб иш ҳақи”, “Талабаларнинг кичик инновацион корхонаси”, “Фикр — ғоя — ҳаракат”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик”, “Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари” каби ўндан ортиқ лойиҳалар доирасида амалга ошириб келинаётган ишлар, муҳим тадбирлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

— Партиямиз Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, олий таълим муассасалари талабалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Иншолар танлови”да ёшлар фаол қатнашиб, ҳар бири қалб сўзини айтишга астойдил интилганлиги эътиборга молик, — дейди Иншолар танлови комиссияси аъзоси Сирожиддин Раупов. — Партиянинг “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур танловнинг бош мақсади — иқтидорли ёшларни аниқлаш, партиянинг дастурий вазифаларини амалиётга татбиқ этиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Партия томонидан “Истиқлол шукуҳи” номли тўпламга жамланган энг сара иншоларда истиқлол ёшлари она юртга меҳр-муҳаббати, озод ва обод Ватанимиз мадҳи, шаҳару қишлоқлардаги бекиёс янгиланишлар, фарзандларимиз камолоти учун яратилган шарт-шароитлар, огоҳлик, тинчликнинг қадр-қиммати, ўз орзу-мақсадларини самимий акс эттиришган. Танловда иштирок этган ёшларнинг жами ўн мингдан ортиқ ижодий ишлари саралаб олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашларида тузилган танлов ҳайъатлари, партия Сиёсий Кенгашида фаолият олиб борган танлов комиссияси томонидан холис баҳоланди ва улар орасидан юздан ортиқ энг яхши иншолар “Истиқлол шукуҳи” номли тўпламга жамланди.

Иншоларнинг ҳар бирини ўқир эканмиз, юксак маънавиятли, орзу-мақсадлари сари дадил интилаётган ёшларнинг шижоатли қалбида фахр-ифтихор, қатъият ва ирода, Ватанга меҳру садоқат, истиқлол берган бебаҳо имконларни қадрлаш, шу азиз юрт фарзанди эканидан чексиз бахтиёрлик туйғулари мужассам эканининг шоҳиди бўламиз.

Тақдимот маросимида иншолар танловининг республика босқичи ғолиблари партиянинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов ғолиблари томонидан ижро этилган она Ватанни, истиқлолни мадҳ этувчи шеърлар йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

**Илёс САХАТОВ,**
**«Adolat» мухбири**

## СЎЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА

**Марс БЕРДИБАЕВ,**
**Қорақалпоқ давлат университети талабаси, “Иншолар танлови”нинг 1-ўрин соҳиби:**



*— Бугун ёш авлод қалбида куртак ёзган истеъдод гунчаларининг гул очиб, юксак марраларни кўзлаган иқтидорлилар баланд парвозларга қанот ёзиши учун юртимизда барча имконият эшиклари очиқ. Мана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини теран ҳис этган тенгқурларимиз бугунги кунда илм-фан, спорт, маданият ва адабиёт каби турли соҳаларда юксак ғалабаларга эришиб келмоқда.*

*Бунга XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир бор исботлаб қайтган спортчиларимизнинг шонли ғалабалари яққол мисол бўла олади. Энг муҳими, яратилган бундай бебаҳо имкониятлар, маррани баланд олиб қилинаётган изланиш ва тинимсиз меҳнатлар навқирон авлодни бахту саодат йўлига етаклаётгани аниқ.*

*Республикамизнинг барча ҳудудларида ёшлар тарбияси, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, интеллектуал қобилиятга эга, инновацион фикрлайдиган ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси диққат марказида эканлиги биз, ёшларни бефарқ қолдирмайди, албатта.*

*Мен ҳам “Ёш адолатчилар” қанотининг турли тадбир ва семинарларида иштирок этиб, ўз истаги билан партия сафига қўшилган кўп сонли иқтидорли талабаларнинг бириман ва бундан доимо ғурурланаман. Ўтган йиллар давомида ўқишдаги ва жамоат ишларидаги фаоллигим, илм-фанни чуқур эгаллаш йўлидаги изланишларим туфайли Беруний номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлдим. Айни пайтда “Адолат” СДП Нукус шаҳар кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти етакчисиман.*

*Келажакда азиз Ватанимиз довруғини илм-фандаги изланишларим билан дунёгаараннум этиш орқали ўз фарзандлик бурчимни адо этишни мақсад қилганман. Сабаби, биз жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Бердақ ва Ажиниёз каби юзлаб алломаларни дунёга келтирган муқаддас замин ёшларимиз.*

*Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон ёшлари ҳам кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда иштирок этиб, ҳар жабҳада фаоллигини кўрсатиб келмоқда. Бу ўринда ҳар бир йигит-қизнинг сиёсий ислоҳотлардан хабардор бўлиб, ўзи дастурий ғояларини маъқул деб билган сиёсий партияга бирлашиш орқали мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиши, мамлакатнинг бугуни, келгусидаги ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳодиса ҳисобланади.*

*Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашни асосий мақсад деб билган, Ўзбекистоннинг келажаги инновацион фикрлайдиган ёшлар қўлида деб ҳисоблайдиган “Адолат” партиясининг аъзоси сифатида республикамиздаги энг иқтидорли ёшларнинг ижодий ишлари тўпламидан дил сўзларим жой олганлиги мени янада юксак мақсадлар сари ундайди.*

**Нодира ҒОЗИЕВА,**
**Гулистон академик лицейи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, “Иншолар танлови”нинг 1-ўрин соҳиби:**



*— Болалигимдан адабиётга қизиқиб, ижод қилиб келмоқдаман. Илк бор ижодий ишларим жамланмаси 14 ёшимда “Қалбим чечаги” номи билан нашр қилинган бўлса, жорий йилда эса менинг камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Албатта, бу энг аввало, юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг ҳамда биз ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, яратиб берилган шарт-шароитларнинг самараси, деб биламан.*

*Юртимиз ёшлари бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга интилмоқдалар. Ўтган йиллардаги сайловлар менинг ҳам сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишимни янада орттирди. Бунда, албатта, “Адолат” социал-демократик партиясининг ушбу жараёнда тарғибот-ташвиқот ишларидаги фаоллиги туртки бўлди. Шундан сўнг аввал хайрихоҳ сифатида, 18 ёшга тўлганимдан кейин эса партияга аъзо бўлиб қатор тадбирларда, айниқса, “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳасида астойдил қатнашиб келаяпман.*

*Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан партиямиз томонидан “Иншолар танлови” ўтказилиши биз каби ижодкор ёшлар учун айни муддао бўлди. Негаки, бундай тадбирлар, ижодий танловларнинг ўтказилиши биз, ёшларнинг она юртга бўлган муҳаббатимизни янада оширади ва ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлайди.*

*Мен ҳам ушбу танловда она Ватанимиз ҳақидаги дил изҳорларим ифодаланган иншо билан иштирок этдим. Ижодий ишим муносиб баҳоланиб, “Истиқлол шукуҳи” тўпламидан ўрин олганлиги ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди.*

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардаги иштирокини фаоллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган изчил тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.**

# Истиқлол аёллари: кеча ва бугун

Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг барча бўғиндаги ташкилотлари ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Зотан, партиямизнинг Сайловолди дастурида ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат органларининг барча бўғинларида қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кафолатлаш масалалари алоҳида қайд этилган.

Тўрақўрғон туман партия кенгаши ташкил этган давра суҳбатида ана шулар ҳақида фикр юритилди. Партиямизнинг “Буюк ва муқаддассан, ҳур Ўзбекистон!” лойиҳаси доирасида “Истиқлол аёллари: кеча ва бугун” мавзусида ўтказилган ушбу тадбирда “Аёллар қаноти” ва “Ёш адолатчилар” қаноти аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, аҳолининг турли қатлами вакиллари иштирок этди.

— Фаолларимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан қатор тадбирларни ўтказишни режалаштирган, — дейди Тўрақўрғон туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Муқаддас Ахматова. — Айниқса, маҳаллаларда турли қизиқарли учрашув ва мулоқотлар кўплаб ташкил этилмоқда. Уларда қатнашаётган юртдошларимизга бошқа масалалар қатори аёлларга оид давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигига оид янги ғоя ва ташаббусларни илгари сурилаётгани, ижтимоий аҳамиятга молик дастур ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Хусусан, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга қулай меҳнат ва турмуш шароити яратиш, ўсмир қизларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида атрофлича фикр юритилмоқда.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Туман партия ташкилотининг “Аёллар қаноти” етакчиси Д.Шерматова, “Элегант” ўқув маркази раҳбари Ҳ.Исоқова, фахрий ўқитувчи З.Турдиалиева ва бошқалар юртимизда хотин-қизларга юксак ҳурмат ва эътибор кўрсатилаётгани, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш борасидаги кенг кўламли ишлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Бу жараёнларда фаоллик кўрсатаётган партиядошларимиз “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, деган ҳаётбахш ғояни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Тадбирда аёллар бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳам алоҳида эътироф этилди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**“Adolat” мухбири**

# Рангларда Ватан мадҳи

**Жиззах шаҳридаги “Иттифоқ” маҳалласида Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти ташаббуси билан мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб расмлар кўргазмаси ташкил қилинди. “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган ушбу тадбирда партия ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.**

Кўргазмага қўйилган ижод намуналарида ҳар бир ижодкор томонидан Ватан манзаралари ўзига хос тарзда акс эттирилганини кўриш мумкин. Чунончи, айрим расмларда қир-адирлар, тоғлар тасвирланган бўлса, яна бир қатор расмларда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари, Ватанимизнинг давлат рамзлари маҳорат билан тасвирланган. Шунингдек, миллий қадриятларимиз ҳисобланган тўй-тантаналар, спорт ўйинлари, умумхалқ байрамлари, урф-одат ва удумларимиз тасвирланган расмлар ҳам барчанинг диққатини жалб этди.

Маҳалла фаоли Раҳима Ризаеванинг таъкидлашича, ёш ижодкорлар томонидан ёрқин ранглар воситасида ватанпарварлик, юртга садоқат, она табиат манзараларини ўзида мужассамлаштирган ранг-баранг тасвирларни кўрган кишининг кўнгли завққа тўлади.

— Вилоят партия кенгаши томонидан мазкур тадбирни ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб бориш режалаштирилган, — дейди вилоят партия кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси Ҳуснидин Шарипов. — Бу каби тадбирларни ташкил қилиш орқали ёшларнинг қобилиятини ўстириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашни мақсад қилганмиз.

Кўргазмада фаол иштирок этган ижодкор ёшлар Жиззах вилоят партия кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди. Шунингдек, вилоятдаги таниқли эстрада хонандалари томонидан ижро этилган Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар байрам тадбирига янада файз бағишлади.

**Узоқбой РИСҚУЛОВ,**
**Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби**

25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

# ГЎЗАЛЛИК, КЎРКАМЛИК — фаровонлик тимсоли



Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида ястаниб ётган Қашқадарё воҳасининг қоқ марказида жойлашган Қарши бугун республикамизнинг обод, гўзал, кўркам, замонавий ва улуғвор шаҳарларидан бирига айланди. Шаҳарга юксакроқ нуқтадан назар ташласангиз, у заминда парвоз қилишга шайланаётган Хумо қуши мисол намоён бўлади. Шаҳарнинг ўзига хос замонавий, обод, янги меъморий қиёфаси бир тарафдан, унинг марказида қад ростлаган вилоят ҳокимияти, турли ташкилотларнинг бинолари, меҳмонхоналар, коммуникация тармоқлари, ҳар тарафга қон томирлари сингари тармоқланиб кетган кенг ва равон йўллар, маданият, санъат масканлари, қайта қурилган, тикланган қадимий архитектура ансамбллари, ёдгорликлари, обидалари, олий ўқув юртларининг муҳташам иншоотлари тимсолида бўй кўрсатса, иккинчи томондан, унинг тўрт томонида бунёд этилган ва барпо қилинаётган янги даҳалар, мавзелар, маҳаллалардаги бир-биридан гўзал турар жойлар, спорт-соғломлаштириш марказлари, коллежлар, лицейлар, дам олиш, ҳордиқ чиқариш жойлари, майдонлар, хиёбонлар мисолида кўзга ташланади.

Албатта, бундан 30-35 йиллар илгари тарихи унутилган, бунёдкорлик, қурилиш ишларидан холи, кўчаларида даштнинг самум шамоллари кезиб юрадиган ўртамиёна бир шаҳарчанинг орадан чорак аср ўтиб мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан, мегаполисларидан бирига айланишини тасаввурга сиғдириш қийин. Лекин бугунги озод ва эркин ҳаёт, халқимизнинг ўз юртига эгалик ҳуқуқи, иқтисодий тараққиёт нафақат тасаввуримиздаги, балки хаёлимиздаги орзу-умидларни ҳам ҳаётий ҳақиқатга айлантирмоқда. Шаҳарнинг бугунги гўзаллиги, ободлиги, кўркамлиги асосида қашқадарёликларнинг, қаршиликларнинг ва умуман, халқимизнинг ўз юртига, шаҳрига нисбатан меҳр-муҳаббати, фидойилиги, яратувчанлиги каби олижаноб хислатлар ётади. Аммо шаҳарнинг тараққиёт, юксалиш жараёнлари осон кечмади.

— Қаршининг кейинги 30 йил ичидаги миллий ва замонавий шаҳарсозлик тараққиёти, қурилиш, бунёдкорлик ишлари уч босқичда кечди, — дейди Қашқадарё вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Қурбонов. — Биринчи босқич — ўтган асрнинг 80-йиллари охирларидан, вилоятга Ислом Каримовнинг раҳбар бўлиб келишидан бошланган эди. Иккинчи босқич — 2005 йилдан кейин, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини халқаро миқёсда нишонлаш учун тайёргарликлар сабабли амалга оширилди. Учинчи босқич — Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қароридан кейин бошланди. Бу уч босқичли бунёдкорлик, яратувчилик, қурилиш ишларининг амалий натижасини Қаршининг бугунги қиёфасида, жамолида, замонавий шаҳарсозлик ҳаётида кўриб турибсиз.

Дарҳақиқат, бундан салкам 30 йил илгари воҳада рўй берган воқеаларни қашқадарёликлар яхши эслашади. Ўшанда собиқ шўролар етакчиларининг топшириғига кўра “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” каби ўйлаб топилган жиноий ишлар билан боғлиқ воқеалар авжига чиққан, қама-қамалар кучайган, одамларнинг кўнглида юрт қайғуси, шаҳар ва қишлоқларда бунёдкорлик, яратувчилик, уларни обод қилиш ишларидан кўра ўз ҳаётларини асраб қолиш ташвиши кучайган пайтлар эди ўшанда. Бундай пайтда бировга далда бўлиш осон эмасди. Ана шунда вилоятга раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов одамлар қалбига йўл топишга, халқнинг оғирини енгил қилишга интилди. Воҳа аҳли билан елкама-елка туриб ишлади. Ўша пайтда қуруқ гапнинг ўзи билан иш битмасди. Шунинг учун вилоят раҳбари томонидан воҳа иқтисодиётини яхшилаш, ишлаб чиқаришни кучайтириш, янги корхоналар барпо этиш билан бирга ҳудуд аҳлининг муаммоларини ҳал қилиш, яшаш шароитларини янгилаш, ҳаёт тарзини ўзгартириш каби масалаларга эътибор қаратилди. Кўплаб амалий ишлардан бири сифатида Қарши шаҳрини қайта қуришга, уни обод қилишга киришилди.

Шаҳарнинг кичик, эгри-бугри тор кўчалари кенгайтирилди. Улар ўрнида катта марказий кўчалар пайдо бўлди. Майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Дам олиш маскани — марказий парк ҳам ўша йилларда қайта қурилди. Янги лойиҳалар асосида 4-5 қаватли турар жойлар ҳамда ташкилотлар учун бинолар қад ростлади. Қарши шаҳрининг марказий деҳқон бозори ҳам қайтадан таъмирланди. Ҳунармандларнинг ишлаши учун имкониятлар яратилди, расталар тикланди. Шаҳар аҳли хонадонлари табиий газ, ичимлик суви билан таъминланди. Шаҳар бағрига нур югурди. Одамлар қалбида янги раҳбарга ҳам, юрт келажагига, янгича ҳаётга ҳам ишонч пайдо бўлди. Ўша йилларда мамлакат ҳали мустамлакачилик исканжасидан қутилмаган, ҳар бир иш учун собиқ марказдан рухсат сўраладиган даврда бундай ишларни амалга ошириш оғир эди. Ана шундай мураккаб шароитда Қарши шаҳрини замонавий ва миллий асосда барпо этишнинг асоси яратилди. Унинг маркази шаклланди.

— Ўша пайтлари вилоятимиз раҳбарининг бир одати бор эди. Ҳар куни тонг пайти шаҳар фаолларини Қаршининг бирор кўчаси, майдони, хиёбони ёки бозори олдида тўпларди. Атрофни у киши бошчилигида пиёда айланиб чиқардик, — деб эслайди “Нуроний”




жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Январь Иноятов. — Кейин ўша жойни қайта қуриш, обод қилиш, аҳоли учун қулайликлар яратиш борасида маслаҳатлашардик. Бирорта жой, бирорта нуқта вилоят раҳбарининг эътиборидан четда қолмасди. Шаҳар у кишининг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан қадам-бақадам қайта қурилиб, янгидан қад ростлади.

Қаршининг кейинги шаҳарсозлик тараққиёти, замонавий ва миллий асосда қайта қурилишининг иккинчи босқичи 2005 йилнинг бошларидан бошланди. Шаҳарнинг 2700 йиллигини халқаро миқёсда ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда нишонлаш борасида қарорлар, фармонлар эълон қилинди. Гапнинг очиғи, ўшанда шаҳарнинг тарихи олис қадимият билан боғлиқлигини кўпчилик яхши билмасди. Унинг 27 асрлик тарихий йўлни босиб ўтганига ишонмайдиганлар ҳам бор эди. Лекин асл тарихий ҳақиқат рўёбга чиқди. Тарихчи, археолог, қадимшунос олимлар шаҳарнинг илк шаклланиш, пайдо бўлиш даври милоддан олдинги биринчи минг йилликларнинг бошига тўғри келишини ашёвий далиллар, ёзма манбалар, ўтмиш мероси бўлган осори-атиқалар билан исботлаб бердилар.

Қаршининг олис тарихи шаҳарнинг бугунги ҳудудидан 6-7 километр ғарбда жойлашган Ерқўрғон харобалари остида кўмилиб ётибди. Муаррихларнинг таъкидлашича, юз гектардан ошиқ харобалар остида қолиб кетган, 2700 йиллар илгари қурилган бу шаҳар Новтак, Новтака номлари билан юритилган. Бу шаҳарни милоддан олдинги IV асрда Александр Македонский босиб олиб, вайронага айлантирган. Шундан кейин новтакликлар Қашқадарё соҳилининг юқорироқ қисмида янги қалъа барпо этганлар. Бу қалъа кейинчалик кенгайиб Нахшаб номини олган. Тарихий манбаларда милодий 468 йилда Кидарийлар қароргоҳини янги Нахшабга кўчирганлари ҳақидаги маълумот сақланиб қолган. 710 йилда араблар босқинидан кейин шаҳар Насаф номи билан атала бошланган. Шаҳар турли даврларда ҳар хил халқлар орасида Бало, Нашеболо, Заххоки морон номлари билан ҳам юритилган. XIII асрда мўғуллар босқинидан кейин бу шаҳар ҳам харобага айланган. Унинг харобаларининг бир қисми Шулликтепа номи билан ҳозир ҳам мавжуд.

XIV асрда нахшабликлар Насаф харобаларидан 2 фарсах узоқликда янги қалъа барпо этганлар. Қалъа Қарши номи билан аталган. Қалъа бағрида маҳобатли, муҳташам қаср ҳам тикланган. Шаҳар номи шунга нисбат бериб айтилган, дейилади. Умуман, шаҳар қаерда, қачон, қай тарзда қурилган бўлмасин, унинг номида бунёдкорлик, қурилиш билан боғлиқ маъно, мазмун ифодасини топган. Этнограф олимлар Новтака сўзи янги бино, Нахшаб — сув обод қилган жой, Қарши — янги қаср, сарой мазмунини англатади, деб талқин қиладилар. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида Қарши қадим туркий тилда сарой номини билдиради, деб ёзади. Қаршининг XIV асрдан кейинги тараққиёти Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ кечган. Бу хусусда Шарафиддин Али Яздий “Насафдин икки йиғоч йўл йироқда бир қаср барпо этилган эрди. Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бир қиш анда қишладилар ва Қаршининг қалъа иморатиға машғул бўлди. Ўша қишда қалъа иморатини тугатдилар”, деб маълумот беради. Бу маълумотдан Қарши шаҳар сифатида XIV асрда тўла шаклланганлиги маълум бўлади. Шундан кейин шаҳарда XIV-XIX асрлар оралиғида кўплаб иншоотлар — мадрасалар, масжидлар, кўприклар, ҳаммомлар, хонақолар бунёд қилинган. Эндиликда уларнинг бир қисми тарихий ёдгорликлар сифатида сақланиб қолган.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан ана шу тарихий ёдгорликлардан Кўкгумбаз масжиди, қадимий ҳаммом, Шарофбой, Бектемир, Қиличбек, Хожа Абдулазиз мадрасалари, Соҳибқирон қурдирган кўприк ва бошқалар асл тарихий кўринишига монанд равишда қайта қурилди, таъмирланди. Айниқса, собиқ шўролар даврида қамоқхонага айлантирилган Одина масжиди ва мадрасаси тўлалигича қайтадан бунёд қилинди, тарихий қиёфаси тикланди. Шаҳарнинг кунчиқар уфқида жойлашган Хўжаи Жарроҳ мақбараси темурийлар даврида қад ростлаган. Мусулмон оламида машҳур бўлган бу инсон ҳоки Амир Темур томонидан олиб келинган. Ана шу зиёратгоҳ ҳам темурийлар давридаги қиёфаси асосида қайта қурилди, шаҳарнинг табаррук масканларидан бирига айланди. Умуман, Қаршининг 27 асрлик тўйи муносабати билан шаҳарнинг барча ёдгорликлари, обидалари қайта қурилиб, таъмирланиб, тарихий қиёфаси яратилди. Тарихий шаҳар сифатида ҳам шаклланди.

— Қаршининг шаҳарсозлик тараққиётининг иккинчи босқичида унинг тўйи муносабати билан фақат тарихий масканларгина қайта қурилиб, обод қилинмади, балки янги, миллий иморатлар, иншоотлар бунёд этилиб, замонавий қиёфаси ҳам гўзаллашди, — дейди меъморшунослик доктори Муҳаммаджон Аҳмедов. — Хусусан, Қарши давлат университетининг 1500 ўринли янги биноси ишга туширилди. Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ҳам янги биноларда фаолиятини бошлади. Тўртта касб-ҳунар коллежи ва академик лицейнинг янги бинолари қад ростлади. Шаҳарда янги меҳмонхоналар ишга туширилди, мавжудлари тўла таъмирланди. Иккита маҳалла, битта янги даҳа, беш-олтита кўча, иккита хиёбон барпо этилди. Агар шаҳар 2005 йилда 7 минг гектар ҳудуддан иборат бўлган бўлса, 2006 йилга келиб унинг умум майдони 9 минг гектардан ошди. Бу ҳам унинг замонавий шаҳарсозлик тараққиётини кўрсатади.

Дарҳақиқат, 2006 йил октябрь ойида шаҳарнинг 2700 йиллиги нишонланиши муносабати билан унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. “Насаф” стадиони, темир йўл вокзали, Қарши аэропорти таъмирдан чиқарилди. Шаҳар марказидаги йўллар, кўчалар кенгайтирилиб, янада обод бўлди. Янги майдон барпо этилди. Майдон марказида Қарши шаҳрининг ҳаётини намоён этувчи “Эл-юрт таянчи” деб аталган ҳайкал композиция ўрнатилди. Ҳайкалда тўртта сиймо аксини топган. Ундаги ота ва она сиймоларида бутун ҳаётини, куч-қувватини, меҳрини фарзандлари, халқи, Ватанига бахшида этган заҳматкаш, меҳрибон инсонлар қиёфалари намоён бўлса, ўғил-қиз тимсолида илм-ҳунарга чанқоқ ёшлар, мамлакатнинг келажагига бўлган ишонч ўз ифодасини топган. Ҳайкалда тарих ва бугун, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги бардавомлилик ғояси уйғунлаштирилган.

Қарши шаҳрида бунёдкорлик ишларининг, шаҳарсозлик тараққиётининг учинчи босқичи давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида бошланди.

Энг аввало, шаҳар ҳудуди салкам икки бараварга кенгайтирилди. Унинг майдони 9 минг гектардан 17 минг гектарга етди. Янги даҳалар, мавзелар, маҳаллалар барпо этилиб, шаҳар таркибига қўшиб олинди. Унинг 2030 йилга қадар бўлган давр учун бош режаси тасдиқланди. Бу режага кўра, шаҳарда 4-9 қаватли, 1-2, 2-4 қаватли янги турар жой бинолари қуриш кўзда тутилган. Қаршининг тарихий-меъморий қисми атрофида муҳофаза ҳудуди ташкил этиш режалаштирилган. Ҳар бир ҳудудда мактаб, боғча, маҳалла гузарлари, кичик хиёбонлар, дам олиш масканлари, коллеж, лицейлар барпо этиш мўлжалланган. Умуман, воҳа марказида қиймати 555 миллиард сўмлик қурилиш бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланди.

Эндиликда ана шу режаларнинг бир қисми бажарилди. Кўп қаватли уй-жойлар, боғ-хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди. Савдо уйлари, янги меҳмонхоналар қад ростлади. Айниқса, замонавий камқаватли уйлар шаҳар қиёфасига мос бўлиб тушди, унинг кўркамлигини оширди.

Шаҳарда йўл-транспорт коммуникацияларини яхшилаш борасида ҳам улуғвор ишлар қилинмоқда. “Мустақиллик”, “Амир Темур”, “Алишер Навоий”, “Ўзбекистон”, “Ҳонобод”, “Насаф” кўчалари кенгайтирилиб, атрофлари ободонлаштирилди. “Ўзбекистон” ва “Мустақиллик” кўчалари кесишган нуқтада қад ростлаган 30 метрлик Курант шаҳарнинг расмий марказини белгилаб бергандек бўлди. Миллий бинокорлик услубида яратилган бу иншоот доимо бонг уриб турувчи вақтнинг, абадий ҳаётнинг, тинчлик ва осойишталикнинг тимсолига айланди. У шаҳар ҳаётига ўзига хос шарқона руҳ, гўзаллик бағишлади.

Ундан сал ўтиб, “Мустақиллик” кўчаси бўйлаб юрсангиз, яна бир кўркамлик, гўзаллик оламига дуч келасиз. Катта хиёбон, хиёбондаги қатор фавворалар ҳар қандай одамнинг эътиборини ўзига тортади. Бу фавворалар хиёбони шаҳар аҳолисининг ва меҳмонларнинг дам олишлари учун етарли имкониятлар яратиш ҳамда майдонда, шаҳар бағрида мўътадил иқлимни юзага келтириш мақсадида барпо қилинган. Турли шакллар ҳосил қилувчи фавворалар шаҳарга нафақат салқинлик таратади, тунда ранг-баранг, чироқлар ёғдусида ўзига хос гўзаллик жилоланади. Дарвоқе, мутахассисларнинг фикрига кўра, Қарши саҳро, чўл бағридаги шаҳар бўлганлиги учун ёзнинг чилласи бу ерда ниҳоятда иссиқ кечади. Ана шу иссиқни шаҳар бағрида камайтириш мақсадида 50 та фаввора яратиш режалаштирилган эди. Ҳозирча ана шундай фаввoралардан 28 таси бунёд этилди. “Мустақиллик” кўчасидаги мусиқали фавворалар хиёбони ана шулардан бири ҳисобланади. Демак, шаҳарнинг турли нуқталарида ана шундай мўъжизакор фавворалар ҳали кўплаб қурилади. Шаҳар янада гўзаллашади.

Шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорликлар, табиийки, унинг йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилашни ҳам талаб этади. Шу мақсадда шаҳар йўлларини яхшилашга, кўчаларини кенгайтиришга, замонавий транспорт тизимида тирбандлик юзага келишининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар ҳаёти учун муҳим бўлган 56 километрлик ҳалқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл, дарё ва каналлар кесишадиган жойларида 6 та замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар барпо этилмоқда. Бу ҳам шаҳарнинг янада обод бўлиши учун хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президентининг Қашқадарё вилоятига ҳар бир ташрифи Қарши шаҳрини янада обод ва гўзал, кўркам масканга айлантириш учун хизмат қилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2015 йилда Қаршида бўлганида бу ердаги Амир Темур даврида қурилган тарихий кўприкни таъмирлаш, дарё соҳилларини дам олиш жойларига айлантириш борасида зарур тавсиялар берган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, бу ерда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўприк тарихий асосда, асл тарҳига монанд равишда замонавий талабларга жавоб берадиган даражада қайта таъмирланди. Шаҳар бағридан оқиб ўтувчи Қашқадарёнинг учта жойига тўғон қурилди. Натижада дарё бағри сувга тўлди. Шаҳар аҳли учун оромгоҳ вазифасини ўтайдиган масканга айланди. Бу ерга 2 та сайёҳлик катери, 51 та катамаран келтирилди. Дарё соҳилларидаги эски бинолар бузилиб, 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 та сунъий қопламали спорт майдони бунёд этилди. Соҳилда хиёбон вужудга келтирилди, болалар учун замонавий аттракционлар ўрнатилди. 24 гектар майдон кўкаламзор масканга айланди. Унинг бағрига 4 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилди. Дарё бағрининг сувга тўлиши шаҳарда яшиллик оламининг кўпайиши, эколандшафт тизимининг вужудга келишига хизмат қилди. Дарё ва шаҳар ўзаро уйғунлашиб табиий гўзаллик, кўркамлик пайдо қилди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар аҳлининг қувончига қувонч қўшди.

Президентимиз шу йилнинг 30 июнида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу масканда амалга оширилган ишларга юксак баҳо берди. Шунингдек, Қарши темир йўл вокзали, “Насаф” стадиони ва шаҳарнинг бошқа нуқталарида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, уларда келгусида қилинадиган ишларга тўхталиб ўтди. Шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун яратиладиган қулайликларни тобора оширишга, айниқса, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уни замонавий ва миллий шаҳарсозликнинг юксак намунасига айлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

— Қаршининг кечаги куни билан бугунги қиёфасини солиштирсангиз осмон билан ерча фарқ бор, — дейди ҳаяжон билан шарқшунос олим Убайдулла Уватов. — Энг муҳими, истиқлол йилларида қашқадарёликлар қалбида ўз юртига меҳр-муҳаббат, фахр, ғурур туйғулари янада жўшди. Биз ҳозир шаҳар ҳаётида ана шу туйғуларнинг амалий ифодасини кўриб турибмиз.

Ҳақиқатан, бугунги кунда Қарши шаҳри Қашқадарё воҳасидаги юксак тараққиёт, юксалиш, тамаддунни ўзида намоён этмоқда. Зеро, шаҳар эндиликда юртимиз эришган истиқлолнинг, озодликнинг, ободликнинг ҳақиқий тимсолларидан бирига айланмоқда.

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**“Adolat” мухбири**

**Суратлар муаллифи Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА)**

## Келажак бугундан бошланади

*Қарши шаҳрини янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини келтирадиган марказга айлантириш учун унинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини амалга ошириш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда махсус дастур қабул қилинган эди. Шаҳар ҳудудида ана шу дастурга мувофиқ ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.*

*2030 йилга бориб Қарши шаҳри нафақат республикамизнинг, балки минтақамизнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланади. Ҳозир ҳам Қаршида бўлган кишининг кўзи қувнаб, дили яйрайди. Қарши, Шаҳрисабз каби неча минг йилларни қаритган шаҳарларимизнинг замонавий қиёфа касб этиши, гўзал, барчанинг ҳавасини келтирадиган даражага етишини эшитиш ҳар қандай кишини тўлқинлантиради. Бош режага мувофиқ, Қарши шаҳри ҳудуди 17 минг 700 гектарни ташкил этади, узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўли қурилиб, ишга тушиш арафасида турибди. Шаҳрисабзда эса яхлит тарихий-меъморий мажмуа шаклланмоқда.*

*Бугун Қашқадарё вилоятига келган меҳмон борки, гўзал ва мафтункор Қарши шаҳрини кўрмай, унинг кўрки-чиройидан баҳра олмай кетмайди. Шаҳар маркази Президентимиз ташаббуси асосида бунёд этилган “Эл-юрт таянчи” монументи сайёҳлар, сайлга чиққанлар, гул кўтарган ёшлар, келин-куёвлар билан ҳамиша гавжум. Ушбу муаззам обида авлодлар бардавомлигининг ёрқин тимсоли сифатида ёшларимизда она юртга меҳр, Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Умуман, истиқлол йилларида Қашқа воҳасининг барча шаҳар ва қишлоқлари тубдан чирой очди, гуллаб-яшнади. Жаҳон цивилизациясининг бешиклари ҳамда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган ва қўшаётган шаҳарлар сифатида Қарши ва Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилгани, мустақиллик даврида ҳар икки шаҳарнинг 2700 йиллик қутлуғ тўйлари дунё миқёсида кенг нишонланганы, айниқса, диққатга сазовор. Бу ишларнинг бошида Юртбошимиз турганлигини қашқадарёликлар яхши билишади.*

*Айни дамда шаҳарда қад ростлаётган кўп қаватли уйлар шинамлиги, барча қулайликларга эгалиги баробарида ўзига хос архитектура дизайни билан ҳам эътиборни жалб қилади.*

*Сирасини айтганда, Юртбошимиз кўрсатмалари асосида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида шу кеча-кундузда давом этаётган бунёдкорлик ишлари кўлами шу қадар кенгки, уни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, амалга оширилаётган бу ишлар иккала шаҳарни ҳам халқимиз фаровон ҳаётининг тимсолига айлантиради. Воҳа аҳли порлоқ келажак бугундан бошланишини яхши билишади.*

**Абдуқаҳҳор АҲМЕДОВ,**
**халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари**

# Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи қандай ҳисобланади?

**➢ "АДОЛАТ" ШАРҲИ**

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи маҳаллий солиқлар таркибидаги асосий солиқ турини ташкил этиб, бугунги кунда ушбу солиқ тўғрисида, жумладан, солиқнинг қандай ҳисобланиши, нимага асосан тўланиши ва нималарга сарф этилиши ҳақида фуқароларга батафсил маълумот бериш мақсадга мувофиқ.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272-моддасига асосан мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари *жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир*.

Бунда, агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

Ушбу кодекснинг 273-моддасига мувофиқ, республика ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкиға солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мазкур кодекснинг 277-моддасига асосан солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1 февралгача объектнинг 1 январь ҳолатига кўра инвентаризация қийматини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчиларга *имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда* ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Қайд этиш лозимки, Солиқ кодексининг 276-моддасида жисмоний шахслар солиқ солиш объектларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланган ёхуд бу объектлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ *юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланиши* белгилаб қўйилган.

*Жисмоний шахс ёки оилавий корхона* турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

Шу билан бирга, мазкур кодекснинг 275-моддасида айрим тоифадаги фуқароларга *ушбу солиқдан имтиёзлар кўзда тутилган* бўлиб, уларга «Ўзбекистон Қаҳрамони», Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар, ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари, пенсионерлар ва Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрларининг) киради.

Бунда, ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсионерларга кўрсатилган имтиёзлар *қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами* (60 кв.метр) доирасида берилади.

Ушбу имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлиб, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг мазкур моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар *имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар*.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2455-сонли қарори билан солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди ҳамда солиқ ставкалари тасдиқланди.

Хусусан, 2016 йилнинг 1 январидан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни кадастр ҳужжатларидаги инвентаризация қийматидан келиб чиқиб, *лекин 3 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдордан ҳисоблаш тартиби жорий* қилинди.

Шунингдек, ушбу қарорга асосан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 1,5 фоиз (2015 йилда 1,3 фоиз бўлган) миқдорида белгиланди.

2016 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича алоҳида ставкалар шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жой ва квартираларга 1,6 фоиздан 1,8 фоизгача, майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун эса 2,2 дан 2,5 фоизга оширилди.

Бундан ташқари, 2016 йил 1 январдан бошлаб бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жой ва квартиралар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари – 1,8 фоиз миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация қиймати бўлмаганда, солиқни ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20328,0 минг сўм миқдорида, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда эса 8833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатга олувчи органларда *белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган* янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг шартли қийматидан келиб чиқиб икки баравар миқдорда ундирилади.

> Жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк солиғи жисмоний шахслар томонидан солиқ даври учун ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўланиши керак.
>
> Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 36-моддасига асосан солиқ тўловчилар солиқ тўлаш мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга ҳам ҳақлидир.

**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи в.в.б**

## Ҳуқуқий маслаҳат

**— Яқинда набирали бўлдим. Набирамга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш учун ФҲДЁ бўлимига борсам, улар мендан ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, никоҳ гувоҳномаси ва туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотнома тақдим этишимни сўрашди. Ўғлим ва келиним қонуний никоҳдан ўтишмагани сабабли никоҳ гувоҳномаси тақдим эта олмайман. Ушбу ҳолатда болага туғилиш гувоҳномаси олиш тартиби қандай бўлади?**

*Ф.Мўминова, Ромитан тумани*

*— Боланинг ота-онаси қонуний никоҳда бўлмаса, ушбу ҳолатда туғилиш оталикни белгилаш тартибида расмийлаштирилади.*

*Бунда, никоҳда бўлмаган ота-она ФҲДЁ органига биргаликда ариза берадилар ва ариза билан бирга боланинг туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома ва онанинг илгари никоҳда бўлмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар. Ота-она томонидан тўлдирилган ариза ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида текшириб кўрилади. Болага фамилия бериш ота-онанинг келишувига кўра амалга оширилади.*

*Шунингдек, оталикни белгилашда ота-оналардан бири иштирок этмаган тақдирда унинг аризадаги имзоси қонун билан белгиланган тартибда (тиббиёт муассасаси, ФҲДЁ органи, нотариус, ҳарбий қисм, жазони ўташ муассасаси раҳбарининг имзоси ва муҳри билан) тасдиқланади ва ФҲДЁ бўлими томонидан оталикни белгилаш ҳаракати расмийлаштирилади.*

**— Ўғлим тез кунларда чет элга кетаётгани сабабли унинг никоҳ тўйини қисқа муддатда ўтказмоқчимиз. Бироқ ФҲДЁ бўлими томонидан никоҳни қайд этиш муддати 1 ой деб айтилди. Ушбу муддатни қисқартириш мумкинми?**

Д.Файзуллаев, Бухоро шаҳри

*— Никоҳ тузувчи шахслар никоҳга кириш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойларидаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қиладилар ва мазкур ариза ФҲДЁ органи ходими иштирокида имзоланади ҳамда у томонидан аризада кўрсатилган маълумотлар ариза берувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан текшириб, қабул қилинади.*

*Аризанинг олд томони топшириш вақтида тўлдирилиб, ўша кундаги сана қўйилади.*

*Шундан сўнг ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади, мазкур йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтиб, натижаси юзасидан маълумотнома тақдим этилганда, аризанинг орқа томони тўлдирилади ва шу кундаги сана қўйилади.*

*Узрли сабаблар бўлганда ФҲДЁ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи – болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббий муассасанинг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.*

**Саволларга Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Зарнигор ИМОМОВА жавоб берди.**

**➢ СОЛИҚ ИМТИЁЗИ**

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони катта аҳамият касб этмоқда.

# Рағбат — ривожланиш омили

Ушбу фармон янги ташкил этилаётган ёки мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтираётган корхоналарга янги техника ва технологияларни киритиш, уни ўрнатиш ва ишга туширишга йўналтирилган харажатларининг тегишли қисмини солиқ имтиёзлари ҳисобидан қоплаш ва шу орқали мазкур соҳадаги корхоналарни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жумладан, фармон билан хўжалик юритувчи субъектларга беш йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга янги технологик ускуналар харид қилиш, янги қурилиш шаклида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек, ушбу масалалар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида, тегишли солиқ даврида амортизация ажратмаларини чиқариб ташлаган ҳолда, аммо солиққа тортиладиган даромаднинг 30 фоиздан ошмайдиган миқдорда фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилган юридик шахслар учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилган. Технологик жиҳозларни олиб киришда қўлланиладиган имтиёзлар, агар технологик жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса, бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этиш белгиланган.

Самарқанд шаҳрида корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш асосида ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳримизда фаолият юритаётган корхоналардан бугунги кунда 23 таси ушбу турдаги имтиёзлардан фойдаланиб, жорий йилнинг ўтган даври давомида 355 миллион сўмдан ортиқ солиқ имтиёзига эга бўлди ва маблағлар корхоналарни техник-технологик жиҳатдан жиҳозлашга, хомашё базасини янада мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши билан бир қаторда 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

**Зариф АМИНОВ,**
**Самарқанд шаҳар ДСИ бошлиғи в.в.б.**

# Тадбиркорлар ҳуқуқлари доимий муҳофазада

**➢ ФАОЛИЯТ**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида унинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортиб, жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги ўрни мустаҳкамланмоқда.

Жумладан, сўнгги йиллар давомида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда давлатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизидан ортиғи меҳнат қилаётгани юртимизда мулкдорлар синфини жамият таянчига айлантирди. Дарҳақиқат, бугун ҳар биримиз тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ҳаётни барпо этишнинг муҳим омили эканлигини чуқур ҳис этмоқдамиз.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг мақсад ва вазифалари ҳамда стратегияси, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор маърузаларида баён қилинган бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашдан иборатлиги такрор ва такрор таъкидланади.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ҳамда рағбатлар яратиш билан бир қаторда, соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятли бўлди.

2015 йил 20 августь куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши эса ушбу чора-тадбирларнинг узвий мантиқий давоми ва ҳуқуқий асоси бўлди. Ушбу қонун асосида жорий этилган янгиликларнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги йўналишлар орқали очиб бериш мумкин:

Биринчидан, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларининг асосий субъектлари ҳисобланган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти юзасидан амалга ошириладиган текширишлар учун ягона даврийлик белгиланди ҳамда муддатлари қисқартирилди.

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада кучайтирилди.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янги имтиёзлар, преференциялар берилди, улар ишини соддалаштиришга оид янги қоида ва механизмлар жорий этилди.

Тўртинчидан, хусусий мулк муҳофазасининг ҳуқуқий асослари янада кенгайтирилди.

Бешинчидан, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги айрим нормалар либераллаштирилди.

Олтинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қиладиган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтирувчи янги нормалар жорий этилди.

Еттинчидан, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча ходимлар ёллаш ҳуқуқи берилди, лицензиялаш фаолияти янада соддалаштирилди, унда талаб этиладиган ортиқча ҳужжатлардан воз кечилди.

Натижада мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Ушбу чора-тадбирларга ҳамоҳанг равишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бунда хўжалик судларининг алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, улар назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига турли аралашувларини камайтириш, улар фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслик каби муҳим вазифаларни амалга ошириб келишмоқда.

Хўжалик судлари томонидан 2001 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаати йўлида кўрилган ишлар сони қарийб 2,2 мингтани ташкил этган ҳамда улар фойдасига 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич тегишинча 32,8 мингта ва 688,3 миллиард сўмни ташкил этди. 2016 йилнинг биринчи ярмида кўрилган шу тоифадаги ишлар сони 15 мингдан ортиб, тадбиркорлар фойдасига ундирилган маблағлар миқдори 391,3 миллиард сўмдан ортган.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланилиши тартиби жорий этилди. Бу, аввало, мамлакатимизда назорат қилувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан асоссиз таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олишга замин яратмоқда ва шу тоифадаги низолар судларда ошкора, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда тортишуви тамойили асосида ҳал этилишига хизмат қилаётир.

Таъкидлаш лозимки, назорат қилувчи органларнинг масъул мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартибини бузганлик, хато ва камчиликларга йўл қўйганлик, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик, ваколат доирасидан четга чиққанлик каби қонунбузарлик ҳолатлари ҳам, афсуски, ҳамон учрамоқда. Жумладан, назорат қилувчи органлар вакиллари томонидан бундай қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги, аризадаги талаблар асоссиз эканлиги боис 2016 йилнинг биринчи ярмида кўрилган шу тоифадаги 19 637 та аризаларнинг 2162 таси рад этилган ва 212 таси кўрмасдан қолдирилган. Назорат қилувчи органларнинг айбдор мансабдор шахсларига нисбатан эса тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилган.

Бир сўз билан айтганда, қонунга мувофиқ тўғри ва ҳалол ишлаётган тадбиркорлар суд томонидан ҳимоя қилинмоқда, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашган, ваколат доирасидан четга чиққан мансабдор шахсларга нисбатан судларнинг таъсири янада кучайтирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугун ҳар биримиз тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ҳаётни барпо этишнинг муҳим омили, деб билар эканмиз, ўз фаолиятини қонуний йўлга қўйган, тўғри ва ҳалол фаолият юритаётган, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўз хизматларини қўшаётган, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишини ўзининг ижтимоий вазифаларидан бири деб биладиган тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши, бунинг учун эса, аввало, улар фаолияти устидан назорат қилиш тизимини либераллаштириш борасидаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчил олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

**Шербек НАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди мутахассиси**

# Юрт обод — кўнгил обод

**ТАДБИР**

Нукус шаҳридаги “Ҳаво йўллари” ва “Дўстлик гузари” маҳаллаларида Ўзбекистон “Адолат” СДП Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Мустақиллик ва тинчлик — бебаҳо неъмат” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимлари вакиллари, маҳаллалар аҳли ва партия фаоллари иштирок этди.

— Мустақиллик ҳақида сўз кетганда, миллатимизнинг қайта тикланган кўп минг йиллик тарихи, миллий қадриятларимиз, она тилимизнинг давлат тили мақомига эга бўлиши каби кўплаб буюк ютуқларимиз, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлаётганлиги бирбир кўз ўнгимиздан ўтади, — дейди халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Яхшибека Абдуллаева. — 25 йил давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб, кўнглимиз яйрайди, мустақиллик кўнгилларни ана шундай обод этди. Мамлакатимизда хотин-қизларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани боис фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда.

— Мустақиллик туфайли бола тарбияси, оила фаровонлиги, Ватан равнақи, юрт тинчлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган опа-сингилларимизнинг меҳнатлари юксак даражада қадрланмоқда, — дейди “Дўстлик гузари” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Жумагул Толибекова. — Бугун юртимиз аёллари истиқлол яратган кенг имкониятлар туфайли мамлакат иқтисодиёти юксалишида салмоқли ҳиссаларини қўшиб, тадбиркор, ҳунарманд, фермер сифатида давримиз қаҳрамонларига айланмоқда. Юртимиздаги тинчликосойишталикни қадрлаб, уни асраб-авайлаганимиз боис яратувчилик ишларини амалга ошираётганимизни ҳар биримиз чуқур англаймиз.

Байрам тадбирида кекса нуроний отахон ва онахонларга байрам совғалари топширилди. Нукус шаҳар “Камолот” ЁИҲ фаоллари томонидан ташкиллаштирилган қизиқарли викторина ўйинлари ва концерт дастури барчага манзур бўлди.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби**



# Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги

**2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ**

Косонсой туман марказий поликлиникасида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак” лойиҳаси доирасида “Аёллар соғлиғи – жамият бойлиги” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари, “Адолат” СДП Наманган вилоят ва Косонсой туман кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, “Ёш адолатчилар” қаноти ҳамда “Аёллар қаноти” аъзолари иштирок этдилар.

Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Исроил Жўраев давра суҳбатини кириш сўзи билан очар экан, истиқлолнинг илк йиллариданоқ халқимиз соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганини таъкидлади. Қабул қилинган бир қатор қонунлар ва кенг кўламли умуммиллий дастурлар, соҳада олиб борилган ислоҳотлар бу борада жуда катта аҳамият касб этди.

— “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида тиббиёт бирлашмаси ходимлари бир қатор ишларни амалга оширди, — деди Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Баҳром Қосимов. — Ушбу ҳужжатда бошқа масалалар қатори соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида, айниқса, бирламчи бўғин муассасаларида оналар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Биринчи навбатда, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини қайд этиш лозим. Тизимда оилавий ва кўп тармоқли поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилганлиги, патронаж тизими яратилганлиги ҳам кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Яқинда туманда ўтказилган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги саломатлик ҳафталигида ҳам оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш алоҳида эътиборда бўлди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Косонсой туман кенгашининг раиси Мурод Жалилов, марказий поликлиника врачи Абдусаттор Бозоров, тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Саломат Саркорова ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчилар ҳамкорликда қилинадиган галдаги муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикрлашиб олишди.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«Adolat» мухбири**

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ёшларимизни спортга қизиқтириш, уларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш масъулиятли вазифа саналади.

# Спорт фаолликка ундайди

Ўзбекистон “Адолат” СДП Бухоро туман кенгаши ва туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида “Жисмоний фаоллик ва спорт” мавзусида партиямизнинг “Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт бўлими масъул ходимлари, “Гала-осиё” маҳалласи аҳли, бир гуруҳ спортчилар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди. Тадбирда мустақиллик йилларида спортга берилаётган эътибор, қўлга киритилаётган натижалар, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бу борада яратиб берилган имкониятлар, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида ушбу йўналишда белгиланган вазифалар юзасидан туманда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

— Юртимиз ёшлари халқаро мусобақаларда қатнашиб, кўплаб ютуқларни қўлга киритиб келмоқда, — деди Бухоро туман партия кенгаши раиси Гулчеҳра Тожиева. — Туманимизда фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишини кучайтириш, ҳар бир спорт тури билан мунтазам шуғулланиб боришларини таъминлаш мақсадида қатор тўгараклар ишлаб турибди. Ёшларни нафақат спорт тўгаракларига жалб қилишимиз, балки умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, лицейларда олиб бориладиган жисмоний тарбия дарс машғулотларининг сифатини оширишимиз лозим.

— Спорт инсон умрини узайтиради, унинг соғлиғини мустаҳкамлайди. Фарзандларимиз қайси касбга қизиқишидан қатъи назар, уларда спортнинг бирор-бир тури билан шуғулланиш кўникмасини уйғотишимиз шарт, — деди туман тиббиёт бирлашмаси ходими Саодат Жумаева. — Спорт билан шуғулланган инсон соғлиғидан шикоят қилиб, шифокорга мурожаат қилишга деярли эҳтиёж сезмайди. Бу эса, ўз навбатида, миллат генофондини янада яхшилашга олиб келади. Ҳар жиҳатдан соғлом бўлишни истаган инсон жисмоний фаолликни ўрганиб, спорт билан мунтазам шуғулланиб бориши зарур.

Тадбир якунида умидли ёш спортчилар томонидан каратэ, турон жанг санъати, миллий кураш сингари спорт машғулотларидан иборат саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, тадбирга йиғилган ёшлар орасида ўтказилган кичик ижтимоий сўровнома асосида уларда спортнинг қайси турига бўлган қизиқиш кучли эканлиги ҳам ўрганилди. Давра суҳбати қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,**
**Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Орзулар рўёбга чиқаётган юрт

**ИФТИХОР**

Мактаб даврини қўмсамаган катталар ёки биринчи синфга боришни интиқиб кутмаган боланинг ўзи бўлмаса керак. Ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Ичида турли-туман ўқув қуроллари ва дафтарлар билан тўла сумкани елкамга осиб, бир қўлимда устозим учун аталган гулни ҳеч кимга ишонмай, “ўқитувчимни ўзим табриклашга” ошиққан пайтлар. Ниҳоят биринчи қўнғироқ жаранглади. Мактаб ҳовлисига тўпланган катталарнинг табриги, дил сўзларини эшитаяпман-у, хаёлим бошқа жойда. Тезроқ синф хонамизга кириш, ўзимга тегишли партага ўтириш ва синфдошларимга, муаллиммамга оз бўлса-да ўқиш, ёзиш, санашни билишимни кўрсатишни истардим. Хуллас, ҳаяжон кучли эди.

Болаларга эътибор берганмисиз? Улар одатда, биз, катталарга нисбатан анчайин сергак ва зеҳнли бўлади. Катталарнинг, айниқса, яқинларининг кўзи, хатти-ҳаракати, имоишорасига қараб уларнинг кайфияти, ички кечинмалари, ният-мақсади уқиб олади. Ўшанда синфга киргач, биринчи машғулотим устозимни зимдан кузатиш билан ўтиб кетди. Кузатиш жараёнида негадир устозимиз биздан-да кучлироқ ҳаяжонланаётганини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Кейин тушунишимча, биз мактабга илк қадам қўйган вақтда Ўзбекистонимизда улкан тарихий воқелик юз бериб, Президентимиз томонидан давлатимизда Мустақиллик эълон қилинган экан. Ўқитувчимиз биринчи дарсда, яқиндан танишишдан аввал, биз, ўқувчиларни мактаб аталмиш илм даргоҳига илк ташрифимиз билан табриклар экан, ора-орада Мустақиллик эълон қилиниши қанчалик муҳим янгилик эканлиги ҳақида бот-бот такрорларди. Очиғи, тортинчоқлигимми, вазият шуни тақозо этмадими, хуллас, устозимга онгимда пайдо бўлган “Мустақиллик нима ўзи? Унинг менга ёки бошқаларга қандай аҳамияти бор?” деган саволларни бера олмадим.

Уйга келгач, саволларимга жавобни дадам бердилар. Дадам имкон қадар ёшимга мос қилиб тушунтиришга ҳаракат қилдилар: “Қизим, Мустақиллик — бу бошқалар эмас, ўзинг танлаган йўлдан кетиш, ҳеч кимга қарам бўлмаслик, эркинликни қўлга киритиш, дегани. Энди бундан буён биз, ўзбекистонликларга қандай яшаш тўғри ёки нотўғрилигини бегоналар уқтира олмайди. Устозингнинг ҳаяжонига келсак, мана, сен, биргина орзуинг амалга ошишини, яъни мактабга чиқишни қанчалик кутдинг, ҳаяжонландинг, тўғрими? Бир тасаввур қилгин, бизнинг, шу жумладан, устозингнинг ҳам ота-боболари, аждодлари Мустақилликка эришишни, ўзининг йўлбошчиси бўлишини шунчалик орзиқиб кутишганки, бу орзуни рўёбга чиқариш йўлида ҳатто жони, умрини ҳам беришга тайёр бўлган. Бобо-момоси, ота-онаси эришмаган бахт насиб қилганидан ҳар қандай киши ҳаяжонланиши табиий, қизим...”

Ҳозир болаликнинг беғубор онларини ёдга олар эканман, вақт қанчалик югурик эканлигини яна бир бор ҳис қиламан. 25 йил аввалги воқеалар гўёки кечагина содир бўлгандек кўз ўнгимдан ўтаверади, яна бошқа томондан эса шу тарихан қисқа давр мобайнида Мустақиллик берган имкониятдан унумли фойдаланиб, мактаб, академик лицей, университетда таҳсил олдик, ҳаёт мактабида эса отаона бўлиб, Ватанига содиқ, жисмонан ва маънан соғлом, мустақил фикр ва мустаҳкам иродага эга фарзандларни вояга етказишга интилиб яшаяпмиз.

Бугун мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самарасини журналист сифатида кузатиб қувонсак, яна бошқа томондан фарзанди ҳар томонлама тўкис шароитларда камол топаётган она сифатида завқланамиз. Ахир, эндигина 9 ёшга тўлган фарзанди чет тилларидаги шеърлар, қўшиқларни адашмасдан, тутилмасдан куйлаши, энг кўп қўлланиладиган сўзларни ўзи мустақил равишда таржима қила олиши, қолаверса, спортнинг бир неча турида ўтказиладиган мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритишини кузатиш бахтига мушарраф бўлаётган она қандайин завқланмасин?

Маълумотларга қараганда, бугун дунёда юз бераётган нохушликлар, можаролар, табиий ва техноген талофотлар, иқтисодий бўҳронлар туфайли 60 миллиондан ортиқ болалар ҳатто бошланғич таълим тизимидан фойдаланиш имкониятига эга эмас экан. Тинчлик ва барқарорлик сақланиб келаётган Ўзбекистонимизда эса 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий таълим жорий этилгани, таълим тизимига барча фарзандларимизнинг қамраб олиниши таъминланганидан ғурурланмай бўладими?

Жаҳоннинг 40 фоиз аҳолиси ўзига бегона тилларда таҳсил олаётгани аниқланган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бир давлатда ўрта ҳисобда 6 тилда таълим олиб борилиши тавсия этилган бир пайтда мамлакатимизда 7 тилда таълим берилиши миллатлараро ҳамжиҳатликни асрашга хизмат қилаётганидан, қолаверса, болажонларимизга 1-синфдан бошлаб чет тилларини мукаммал ўзлаштириши учун шароит яратилганидан фахрланмай бўладими?

Ёки олайлик, дунёнинг аксарият мамлакатларида болаларнинг спорт билан шуғулланиши фақатгина отаоналарнинг иштиёқи ва моддий имкониятига боғлиқ бўлиб турган вазиятда мамлакатимизда давлат бюджети маблағлари асосида 489 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият юритиши, уларда фарзандларимиз бепул асосда спортнинг бир қанча турлари сирларини эгаллаши учун шароит яратилгани дунё ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлаётганидан ҳар қанча хурсанд бўлсак, шунча оз эмасми?



Чиндан ҳам, бундай улуғ ва эзгу мақсадли болажон халқи бор юртда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Не бахтки, ҳар томонлама баркамол инсонлар, соғлом авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасини ўз ютуқлари билан намойиш этиб келаётган ёшларимиз талайгина. Истиқлолимиз фарзандлари — Ҳасанбой Дўсматов, Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Рустам Тўлаганов, Элмурод Тасмуродов, Руслан Нурудинов, Фазлиддин Ғоибназаров, Шахобиддин Зоиров ва бошқа кўплаб спортчиларимиз Рио-де-Жанейрода ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада мусобақаларида эришган оламшумул ютуқлари билан ўзбекистонлик ёшлар нималарга қодир эканлигини кўрсатиб бергани, дунёнинг нариги бурчагида Ватанимиз байроғи юксакларга кўтарилганию, давлатимиз мадҳияси баралла янграганидан ғурурланмасликнинг иложи йўқ.

Хулоса шуки, биз ўсиб-улғаяётган фарзандларимизга ўрнак, намуна сифатида кўрсата оладиган замонамиз қаҳрамонлари кўплигидан қувонамиз. Илоҳим, мана шундай қувонч ҳисси ҳеч қачон сўнмасин. Давлатимизнинг Мустақиллиги абадий бўлсин, ҳар биримизга юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш бахти насиб айласин, дея дуо қилишдан чарчамаймиз.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**«Adolat» мухбири**

*Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча умумтаълим мактабларида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида мустақиллик дарслари ташкил қилинади.*

## Мустақиллик дарслари ташкил қилинади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги расмий вебсаҳифасида қайд этилишича, мазкур дарсларда мустақилликнинг 25 йили давомида юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида дарс жараёнида давра суҳбати орқали ҳар бир ўқувчига батафсил тушунтирилади.

Шунингдек, ушбу дарсда ўқувчи-ёшларга республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилиши кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз**

# Унвон муборак, устоз!

**➢ ҚУТЛАЙМИЗ!**

**Биз журналистлар касбимиз тақозосига кўра турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашамиз, улар ҳақида мақолалар ёзамиз. Бу бизнинг одатий ишимизга айланиб қолган. Ҳатто газета чоп этилаётганда бирон-бир мавзуда топшириқ берсанг, ярим соатда ярим саҳифалик мақолани дўндириб ташлайдиган ҳамкасбларимиз бор. Лекин...**

Лекин ёнимиздаги инсон, ҳамкасбимиз, елкадошимиз ҳақида мақола ёзиш нақадар қийин кечишини ушбу битикларни қоғозга тушириш жараёнида яққол ҳис қилдик. Чунки бугунги мақоламиз заҳматкаш журналист, ёзувчи, киносценарист, шунинг баробарида жуда дилкаш, содда ва самимий инсон, бир сўз билан айтганда, жамоамизнинг фахри – Абдуқаюм Йўлдошев ҳақида.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида Президентимизнинг фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирланганлар қаторида "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг ҳам номи борлиги барчамизни қувонтирди.



Жамоамиз ёшларининг меҳрибон устози, шу пайтгача газетамиз саҳифаларида ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этиб келинаётган барча катта-ю кичик мақолалардан тортиб, хабарларгача эринмасдан такрор-такрор ўқийдиган заҳматкаш муҳаррир, қатор бадиий асарлари, киносценарийлари билан мухлислар меҳрини қозонган таниқли адиб, журналист, фидойи, энг асосийси, кичиккўнгил инсон Абдуқаюм Йўлдошевни "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига мушарраф бўлгани билан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси электорати, кўп сонли газетхонларимиз ва таҳририят жамоаси номидан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга ижодий ютуқлар тилаймиз.

**ТАҲРИРИЯТ**


**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

ASAKA BANK

## «АСАКА» БАНК

Сиз азизларни барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг **МУСТАҚИЛЛИК КУНИ** байрами билан чин юракдан муборакбод этади!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо ва ватандошларимиз ҳамиша бахтли бўлсин!

*Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:*

## «МУСТАҚИЛЛИК—25»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |



**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган


**➢ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА**

MIKROKREDITBANK

**Истиқлол халқимизга эркин ва озод яшаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, фаровон турмуш кечириш имконини берди. Ўтган 25 йил мобайнида мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошиб, сўнгги 11 йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш кўрсаткичлари 8 фоиздан пасаймаганлиги мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан танланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ўзимизга хос тараққиёт йўлимизнинг самарасидир. Буни бугун халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда.**

# Тадбиркорлик ривожи ва аҳоли фаровонлиги йўлида

Албатта, ўтган йилларда амалга оширилган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда бевосита мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бунда, айниқса, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлаш мақсадида яратилган ҳуқуқий асослар билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган молия муассасалари томонидан кичик бизнес ривожи учун ажратилаётган сармоялар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳам ўтган вақт ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг юксалиши, хотин-қизлар, шу жумладан, тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган йирик молия муассасаси сифатида ўзининг кенг турдаги хизмат турларини мижозларга тақдим этиб келмоқда.

Айниқса, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, шу орқали улар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш "Микрокредитбанк"нинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ушбу мақсадлар йўлида жорий йилнинг ўтган олти ойида 21,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, банк томонидан коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадлар учун жорий йилнинг олти ойи давомида 30,5 миллиард сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Бу борадаги ишларга мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ўтган йили "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё вилояти филиали томонидан ҳудудда қуёнчилик фермаси ташкил этиш ва парҳез гўшт ҳамда қимматбаҳо қуён териси ишлаб чиқариш бўйича танлов эълон қилинган эди. Барча шартлар бўйича берилган таклифлар ўрганиб чиқилиб, Мирзаобод ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Элдор Шерқўзиевнинг бизнес лойиҳаси маъқулланди. Унга 350 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Элдорнинг бизнес режасидан қуён гўштини сақлаш учун музлатгичли омбор қуриш ва бошқа лойиҳалар ҳам ўрин олган.

Жорий йилнинг февраль ойида Мирзаобод тумани "Оқолтин" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудида "Сирдарё момиқ қуёнлари" фермер хўжалиги ташкил этилди. Ёш фермер Тошкентдаги "Хон қуён" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузиб, хориждан 114 бош зотдор қуён ва унинг емини олиб келди. Хўжалик иш бошлагач, 20 га яқин ёшлар бандлиги таъминланди.

– Қуён жуда тез кўпаядиган жонивор, – дейди Элдор Шерқўзиев. – Яхши боқилган қуён йилига 8 мартагача, ҳар гал 8-10 тадан болалайди. Бизнес лойиҳам "Микрокредитбанк" томонидан маъқулланиб, менга ишонч билдирилганидан хурсандман. Келгусида тадбиркорлик фаолиятимни янада ривожлантиришда ҳам ушбу банкнинг молиявий кўмагига таянаман.

Жорий йилда Денов тиббиёт коллежини тамомлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган Сайрамхон Менгниёзова ҳам "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Денов тумани бўлими томонидан ажратилган 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига ўз ишини йўлга қўйиб олишга муваффақ бўлди.

– Мамлакатимизда ишбилармонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор биз, ёшларда бизнес билан шуғулланишга катта қизиқиш уйғотмоқда, – дейди Сайрамхон. – Мен ҳам шу мақсадда бизнес режа тайёрлаб, "Микрокредитбанк"га тақдим этдим. Лойиҳам қўллаб-қувватланиб, етарли миқдорда маблағ ажратилди. Маҳалламизда музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Келгусида ҳам ушбу тижорат банкининг кредит маблағидан фойдаланиб, қўшимча тармоқларни ишга туширишни режалаштирганман.



Шу билан бирга, бугунги кунда "Микрокредитбанк" АТБнинг кичик кредитларидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг қарийб 47 фоизини тадбиркор аёллар ташкил этаётгани ҳам эътиборга молик. Биргина жорий йилнинг олти ойида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга банк томонидан 62,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 6600 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этишга эришилди. Кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларига йўналтирилди.

"Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан олинган 36 миллион сўм кредит эвазига ташкил этилган Баҳмал туманидаги "Зебо текстиль" оилавий корхонасида бугун 18 нафар аёллар ва ёшлар меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, бу ерда тайёрланаётган болалар ва катталар кийим-кечаклари харидорларга манзур бўлмоқда.

– Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бу йил яна бир янги лойиҳани амалга оширдик, – дейди корхона раҳбари Қ.Усмонова. – Жорий йилда корхона қошида хотин-қизлар учун ўқув маркази ташкил этдик. Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданияти юксалгани сари турли замонавий касбларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораётир. Ҳозир ўқув марказида юздан зиёд хотин-қиз уй ҳамширалиги, тикувчилик, тўқувчилик ва пазандаликни ўрганмоқда.

**Мухтасар айтганда, "Микрокредитбанк" сармоялари ташаббускор, тадбиркорлик ғояларига эга ёшлар ва хотин-қизларнинг орзу-мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашмоқда. Пировардида жойларда янги иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳамда кўрсатилаётган хизмат турлари тобора кенгайиб бормоқда.**

Хизматлар лицензияланган

**Банк ахборот хизмати**

Reklama

## "АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА"




**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, хўжалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида эълон қилган "Адолат — қонун устуворлигида" деб номланган танлов давом этмоқда.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиода берилган хўжалик судлари тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинмоқда.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий хўжалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2016 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 23 декабрда якунланиб, ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

*Танлов ғолиблари:*

**1-ўрин учун** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг I даражали дипломи ва энг ка иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;

**2 та 2-ўрин** учун Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг II даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;

**3 та 3-ўрин** учун Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг III даражали дипломи ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

*Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Олий хўжалик суди биноси. Телефон: 273-94-82 , электрон почта - press@oxs.uz*


**МУАССИС:** ADOLAT Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими— *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *288-42-14* (144)

**Навбатчи муҳаррир** — Илёс Сахатов
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 900. Адади — 6442 Босишга топшириш вақти — 20.50 Босишга топширилди — 21.30
*Баҳоси келишилган нархда*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6